


BUXORO DAVLAT UNIVERSITETI ILMIY AXBOROTI

Научный вестник Бухарского государственного университета
Scientific reports of Bukhara State University

8/2023

E-ISSN 2181-1466



9 772181 146004

ISSN 2181-6875



9 772181 687004



BUXORO DAVLAT UNIVERSITETI ILMIY AXBOROTI
SCIENTIFIC REPORTS OF BUKHARA STATE UNIVERSITY
НАУЧНЫЙ ВЕСТНИК БУХАРСКОГО ГОСУДАРСТВЕННОГО УНИВЕРСИТЕТА

Ilmiy-nazariy jurnal
2023, № 8, sentabr

Jurnal 2003-yildan boshlab **filologiya** fanlari bo'yicha, 2015-yildan boshlab **fizika-matematika** fanlari bo'yicha, 2018-yildan boshlab **siyosiy** fanlar bo'yicha O'zbekiston Respublikasi Vazirlar Mahkamasi huzuridagi Oliy attestatsiya komissiyasining dissertatsiya ishlari natijalari yuzasidan ilmiy maqolalar chop etilishi lozim bo'lgan zaruriy nashrlar ro'yxatiga kiritilgan.

Jurnal 2000-yilda tashkil etilgan.
Jurnal 1 yilda 12 marta chiqadi.

Jurnal O'zbekiston matbuot va axborot agentligi Buxoro viloyat matbuot va axborot boshqarmasi tomonidan 2020-yil 24-avgust № 1103-sonli guvohnoma bilan ro'yxatga olingan.

Muassis: Buxoro davlat universiteti

Tahririyat manzili: 200117, O'zbekiston Respublikasi, Buxoro shahri Muhammad Iqbol ko'chasi, 11-uy.
Elektron manzil: nashriyot_buxdu@buxdu.uz

TAHRIR HAY'ATI:

Bosh muharrir: Xamidov Obidjon Xafizovich, iqtisodiyot fanlari doktori, professor

Bosh muharrir o'rinbosari: Rasulov To'liqin Husenovich, fizika-matematika fanlari doktori (DSc), professor

Mas'ul kotib: Shirinova Mexrigiyo Shokirovna, filologiya fanlari bo'yicha falsafa doktori (PhD)

Kuzmichev Nikolay Dmitriyevich, fizika-matematika fanlari doktori (DSc), professor (N.P. Ogaryov nomidagi Mordova milliy tadqiqot davlat universiteti, Rossiya)

Danova M., filologiya fanlari doktori, professor (Bolgariya)

Margianti S.E., iqtisodiyot fanlari doktori, professor (Indoneziya)

Minin V.V., kimyo fanlari doktori (Rossiya)

Tashqarayev R.A., texnika fanlari doktori (Qozog'iston)

Mo'minov M.E., fizika-matematika fanlari nomzodi (Malayziya)

Mengliyev Baxtiyor Rajabovich, filologiya fanlari doktori, professor

Adizov Baxtiyor Rahmonovich, pedagogika fanlari doktori, professor

Abuzalova Mexriniso Kadirovna, filologiya fanlari doktori, professor

Amonov Muxtor Raxmatovich, texnika fanlari doktori, professor

Barotov Sharif Ramazonovich, psixologiya fanlari doktori, professor, xalqaro psixologiya fanlari akademiyasining haqiqiy a'zosi (akademigi)

Baqoyeva Muhabbat Qayumovna, filologiya fanlari doktori, professor

Bo'riyev Sulaymon Bo'riyevich, biologiya fanlari doktori, professor

Jumayev Rustam G'aniyevich, siyosiy fanlar nomzodi, dotsent

Djurayev Davron Raxmonovich, fizika-matematika fanlari doktori, professor

Durdiyev Durdimurod Qalandarovich, fizika-matematika fanlari doktori, professor

Olimov Shirinboy Sharofovich, pedagogika fanlari doktori, professor

Qahhorov Siddiq Qahhorovich, pedagogika fanlari doktori, professor

Umarov Baqo Bafoyevich, kimyo fanlari doktori, professor

Murodov G'ayrat Nekovich, filologiya fanlari doktori, professor

O'rayeva Darmonoy Saidjonovna, filologiya fanlari doktori, professor

Navro'z-zoda Baxtiyor Nigmatovich, iqtisodiyot fanlari doktori, professor

Hayitov Shodmon Ahmadovich, tarix fanlari doktori, professor

To'rayev Halim Hojiyevich, tarix fanlari doktori, professor

Rasulov Baxtiyor Mamajonovich, tarix fanlari doktori, professor

Eshtayev Alisher Abdug'aniyevich, iqtisodiyot fanlari doktori, professor

Quvvatova Dilrabo Habibovna, filologiya fanlari doktori, professor

Axmedova Shoir Nematovna, filologiya fanlari doktori, professor

Amonova Zilola Qodirovna, filologiya fanlari doktori (DSc), dotsent

Hamroyeva Shahlo Mirjonovna, filologiya fanlari doktori (DSc), dotsent

Nigmatova Lola Xamidovna, filologiya fanlari doktori (DSc), dotsent

Boboyev Feruz Sayfullayevich, tarix fanlari doktori
Jo'rayev Narzulla Qosimovich, siyosiy fanlar doktori, professor

Rasulov Zubaydullo Izomovich, filologiya fanlari doktori (DSc), dotsent

Qurbonova Gulnoz Negmatovna, pedagogika fanlari doktori (DSc), professor

Zaripov Gulmurot Toxirovich, texnika fanlari nomzodi, dotsent

MUNDARIJA *** СОДЕРЖАНИЕ *** CONTENTS		
ANIQ VA TABIIY FANLAR *** EXACT AND NATURAL SCIENCES *** ТОЧНЫЕ И ЕСТЕСТВЕННЫЕ НАУКИ		
Sabirova R.A.	Xos to‘lqinning qovushoq-elastik silindrik qobiqda tarqalish xususiyatlari	4
Khalkhadzhaev B.B., Yusupov Sh.B., Mambetsapayev K.A.	On a weak generalized solution of a mixed-type fourth order equation of the second kind	9
Сафаров Ж.Ш.	Прямая и обратная задача для уравнения вязкоупругости с дополнительной информацией нестандартного вида	15
Жураев Ф.М.	О краевой задаче с условиями Геллерстедта на параллельных характеристиках для вырождающегося нагруженного уравнения параболо-гиперболического типа	23
Jo‘orakulov S.Z.	Properties of polymers	32
Хайруллаев Ч.К.	Жамият ҳаётида соғлом турмуш тарзининг аҳамияти ва уни ташкил қилишнинг асосий омиллари	38
TILSHUNOSLIK *** LINGUISTICS *** ЯЗЫКОЗНАНИЕ		
Yuldasheva D.N.	Sukut – ichki va tashqi nutqning harakat birligi	45
Bobokalonov O.O.	Character of shifonemas in linguistics	52
Bozorova G.Z.	Tibbiy atamalarda pleonastik birliklarning voqelanishi	59
Hamroyeva M.R.	Tohir Malik badiiy asarlarida qo‘llanilgan antroponimlarning yasalish strukturasi	63
Kurbanova I.Sh.	Exploring the derivation of railway terminology: a linguistic analysis	68
Rabieva M.G’.	Translation as a type of intercultural communication	73
Radjabov N. N.	Ingliz va o‘zbek tillarida undoshlarning fonologik xususiyatlarida izomorfizm va allomorfizm	77
Rakhmatova M.M.	The role of figurative devices in expressing implicative meaning	88
Seytnazarova I.E.	Tilewbergan Jumamuratov asarlarida frazeologizmlarning uslubiy qo‘llanilishi	92
Велиева С.Р.	Русские идеологические топонимы в иноязычной среде (на материале регионов Республики Узбекистан)	97
Гаппарова М.Т.	Инглиз ва ўзбек тилларида луғат белгилари	104
Каримова Г.Х.	Эргонимы как объект лингвокультурологического исследования	109
Нарзуллаева Д.Б.	Теолингвистика ва теолингвистик бирликлар тадқиқи	114
Ширинова М.Ш.	Мустақиллик даври ўзбек кинофильмлари тилида эғалик ва келишик воситаларининг қўлланиши	121
Ёкубова Ш.Ю., Юсупова А. Ш.	Глагол и простая структура предложения в узбекском языке	125

Норов Ж.Н.	Метафора — лингвокультурологиянинг энг мухим бирлиги	129
Ҳасанова М.Т.	Билингвизмнинг мазмун-моҳияти ва психологик табиати	136
Rakhimov M.M.	Semantic functional features of the concept of “road”	140
Ҳоҗиёева М.У.	Badiiy nutqda shaxs tavsifli soʻz birikmalar	145
Саидова З.Х.	Проблемы, связанные с современной русской грамматикой и грамматикализацией	149
Rahimov M.	Korpus lingvistikasi taraqqiyoti va oʻzbek tilshunosligida korpus tahlil asoslari	154
Sadikova G.I.	Developing reading comprehension of expository texts in English by using effective reading strategies	160
Базарова Н.Ш.	Сравнительный анализ фонологических систем русского и узбекского языков в контексте методического подхода	164
Shayzakov Gʻ. M.	Oʻzbek tilida zamon maʼnosining lisoniy-pragmatik ifodalanishi	172
ADABIYOTSHUNOSLIK *** LITERARY CRITICISM *** ЛИТЕРАТУРОВЕДЕНИЕ		
Teshayeva G.J.	Adabiy parallel janri taraqqiyotining ayrim masalalari	176
Рахимова Н.Қ.	Баҳоуддин Нақшбанднинг “Аврод”ида “Дил ба ёр”лик моҳияти	181
Очилова Н.У.	Ўзбек халқ оғзаки ижодида “от” образи	186
Рахимова М.Э.	Составление плана-указателя и анализ стихотворного текста как виды самостоятельной работы школьников	191
Yoʻldosheva M.B.	Badiiy tarjimaning oʻziga xos muammolari va ularni bartaraf etish usullari	196
Юлдашева Л.У.	Мост между культурами: переводческое и литературное наследие Абдуллы Каххара в узбекской литературе	201
Shomurodova S.Gʻ.	Xalq dostonlarida kiyim-kechaklar bilan bogʻliq motivlarning tasviri	207
Астанова Г.А.	“Минг бир кеча”да бадий маҳорат	211
Kasimova R.R.	Alisher Navoiy gʻazallari inglizcha tarjimasida shoir va mutarjim psixologiyasi	216
Abdullayeva F.A.	“Ayriliq ostonasi” romanida tarixiy voqelikning badiiy ifodasi	224
Eshonqulova G.T	Preserving the implicitness of the original in translation	229
Ashurov J.A.	Erle Stanley Gardner’s descriptive language in his novel “The case of the velvet claws”	233
Farmonova M.F.	Struktural tahlilda matn sarlavhasi asosiy obyekt sifatida	237
Abduraximova S.A.	Development of fantasy as a genre in English and Uzbek literature	241

УЎК 821.411.21

“МИНГ БИР КЕЧА”ДА БАДИИЙ МАҲОРАТ

*Астанова Гулнора Аминовна,
Бухоро давлат университети,
ўзбек тилишунослиги ва журналистика
кафедраси профессори, ф.ф.д.
guli4803@mail.ru*

Аннотация. Шарқ адабиётининг нодир намунаси бўлган “Минг бир кеча” асарида тасвирланган мафтункор воқеалар, саройлар, кийимлар, ғайритабиий, қутилмаган ташбеҳлар, ҳайратомуз муболагалар, ёрқин тасвирий воситаларга тўла.

Асар ҳикоятларидаги гуманизм (инсонпарварлик), эстетик туйғуни шакллантириши, ҳаётий ҳақиқат, чуқур мушоҳада, ҳикоят гоёсининг мантқиқийлиги ва ижодий фантазиясининг кенглиги, бадиий деталларнинг аниқлиги ва қайсидир гоёга хизмат қилиши, сюжет қурилиши ва образлар тизимининг яратилишидаги маҳорат, қаҳрамонлар ички дунёсини маҳорат билан очиб берилиши, асар тилининг бойлиги ва ранг-баранглиги каби мезонлар асар бадиий маҳоратини кўрсатади. Мазкур мақолада бу муаззам асар ҳикоятларидаги бадиий маҳорат муаммолари ҳақида фикр юритилиб, унинг дунёга маишхур бўлишига сабаб ҳам мана шу бадиий таъсир кучининг нечоғлик юксак эканлиги илмий таҳлилга тортилган.

Калит сўзлар: “Минг бир кеча”, Шахризода, ҳикоят, образ, бадиият, сюжет, драматизм, маҳорат.

ХУДОЖЕСТВЕННЫЕ НАВЫКИ ЗА ТЫСЯЧУ ОДНУ НОЧЬ

Аннотация. Редкий образец восточной литературы «Тысяча и одна ночь» насыщен очаровательными событиями, дворцами, одеждами, необычными, неожиданными аллюзиями, удивительными преувеличениями и яркими образами.

Гуманизм (humanism) в сюжетах произведения, формирование эстетического чувства, жизненной реальности, глубокой наблюдательности, логики идеи повести и широты творческой фантазии, точности художественных деталей и их служения некоторой идее, мастерство построения сюжета и создания системы образов, умелое раскрытие внутреннего мира героев, такие критерии, как богатство и разнообразие языка произведения, показывают художественное мастерство произведения. В данной статье рассматриваются проблемы художественного мастерства в повествовании этого великого произведения, а причина его популярности в мире – высокое художественное влияние.

Ключевые слова: «Тысяча и одна ночь», Шахризода, сюжет, образ, художественность, сюжет, драматургия, мастерство.

ARTISTIC SKILLS IN ONE THOUSAND AND ONE NIGHTS

Abstract. A rare example of Eastern literature, "One Thousand and One Nights" is full of fascinating events, palaces, clothes, unusual, unexpected allusions, amazing exaggerations, and vivid imagery.

Humanism (humanism) in the stories of the work, the formation of an aesthetic sense, life reality, deep observation, the logic of the idea of the story and the breadth of creative fantasy, the accuracy of artistic details and their service to some idea, the skill in the construction of the plot and the creation of the system of images, the skillful disclosure of the inner world of the characters, criteria such as the richness and variety of the language of the work show the artistic skill of the work. This article discusses the problems of artistic skill in the narratives of this great work, and the reason for its popularity in the world is the high artistic influence

Key words: "One Thousand and One Nights", Shahrizoda, story, image, artistry, plot, drama, skill.

Кириш. “Минг бир кеча” асари композициясини бош қаҳрамон шоҳ Шахриёр ва унинг рафикаси эртақчи Шахризода образлари бошқаради. Ҳар тун Шахризода томонидан ўта топқирлик

билан шоҳга айтиладиган эртақлар тизими минг бир кечага чўзилади. Мақсад – шоҳни аёлларни қатл эттириш фикридан қайтариш. Ҳикоят ичида ҳикоят усулида ёзилган бу улкан асар мана шу бош ғоя атрофида бирлашиб, барча катта-кичик қисса ва эртақлар ўзаро бир ипга тизилади. Асарнинг ички драматизми ҳам шундан келиб чиқади.

“Минг бир кеча” эртақлари марказида турган Шаҳризода саргузашти асарнинг сюжет мантиғини ташкил этади. Ҳиндистон ва Хитой подшоҳи Шаҳриёр укаси – Самарқанд ҳокими Шоҳзамонни кўргиси келиб, ўз юртига чақиртиради. Шоҳзамон эндигина шаҳар дарвозасидан чиққанида, хотини куллари билан айш-ишрат бошлайди. Шоҳзамон акаси йўғида келин ойисининг чўрилар ва куллар билан бирга ўтирганини кўриб, воқеани акасига айтади. Буни эшитган Шаҳриёр биргина хотинидан эмас, балки мамлакатидоғи барча аёллардан ўч олиш пайига тушади. У ҳар тун бир қизга уйланиб, эртасига уни қатл эта бошлайди. Вазир қизи Шаҳризода шоҳни бу йўлдан қайтаришга қарор қилади. У дейди: “Қизларни ҳалокатдан қутқаришга сабабчи бўлиб, шоҳ билан умрбод ҳаёт кечираман ёки бутун халқ қизлари қатори мен ҳам шоҳ қиличи остида ҳалок бўламан” [1,23]. Шу тариқа Шаҳризода ҳар тун шоҳга ибрат ва ҳикмат бўлган ҳикоятлар айта бошлайди.

Шаҳризода шу тариқа аёлларнинг ор-номуси, шаъни учун курашиб, охир ғалаба қилади. Ёзувчи С. Цвейг “Минг бир кеча” ни дунёнинг энг қизиқарли ва кучли ҳаёт воқеа-ҳодисаси – “аёллар ва эркаклар орасидаги абадий драмани акс эттирувчи” деб баҳолаганда тўла ҳақли эди. Асар насрий ҳикоят услубида ёзилган бўлиб, ора-орада қиссалар мазмунини чуқурлаштириш, унга ёқимлилиқ ва чирой бахш этиш мақсадида шеъринг парчалар ҳам берилади.

Асосий қисм. “Минг бир кеча” жаҳон адабиётида оғзаки ижод асосида юзага келган ёзма адабиёт намунаси сифатида ўрганилиб келинмоқда. Шарқ насрининг турли жанрларини ўз ичига олган мазкур асарда кичик-кичик масал, ҳикоят, ривоят, нақллар ҳам, катта-катта саргузашт қисса ҳам, афсона ва эртақлар ҳам мавжуд. Барча эртақлар халқнинг ўй-фикрлари, орзу-истакларини акс эттиради. Саргузашт қиссаларда эса, муҳаббат можароларини, ҳаётинг қиссаларни учратиш мумкин. Эртақ ва қиссалар ўз ўқувчисини кўхна Бағдод кўчаларига элтади, китобхон эса бутун Шарққа машҳур халифа Ҳорун ар-Рашид билан бирга бу ерларни кезади. Синдбоднинг саёхатлари эса денгиз саргузаштлари туркумига киради.

“Минг бир кеча” ҳикоятларида Ҳиндистон, Хитой афсонавий бойликлари мамлақати сифатида тасвирланса, Эрон гиламлари, Суриянинг нафис матолари фақат табиат инъоми бўлиб қолмасдан, асосан унинг меҳнатсевар халқи томонидан яратилганлиги тарихчилар томонидан эътироф этилади. “Минг бир кеча” ҳикоятларининг деярли барчасида юқорида айтиб ўтилганларнинг ҳар бири қайта-қайта тилга олинади [1,23].

Бу дурдона асарда бир неча халқлар қадим урф-одатлари, дини, турмуш тарзи бадиий образларда ажойиб талқин этилганини кўриш мумкин. Юнон, Рум, Хитой, Ҳиндистон, шунингдек, Ўрта Осиё халқлари этнологиясига оид лавҳаларни ҳам учратиш мумкин. Шунинг учун ҳам бу асар асрлар оша, бутун дунё адабиётшунослари, этнографлари ва тарихчи олимлари эътиборини жалб этиб келаётган.

“Минг бир кеча” ўз услубига кўра “ҳикоят ичида ҳикоят” тарзида тузилган: бутун асарнинг бош қолипловчи ҳикояти, яъни Шаҳриёр ва Шаҳризода ҳикоятлари бўлса, қолган қиссалар ичида ҳам яна кичик-кичик ҳикоятлар, ривоятлар келтирилади. Шу хусусият асар фабуласи, оҳангига ҳам таъсир этган.

Эртақлар характериға хос хусусиятлардан бири, қаҳрамон йигит ва қизни бошқаларга караганда гўзал, доно ва баркамол қилиб тасвирлаш. Асар ўз қаҳрамони таъриф ва тавсифини қуйидагича беради. Масалан, “У йигитнинг қомати келишган, чехраси гўзал, икки юзи қизил гулдай, қошлари туташган, ўзи ширин сўз, доимо қулиб турар, хурсандчиликни суяр экан”, [2,62] каби.

“Минг бир кеча” эртақлари мундарижаси ҳам, бадиий шакли ҳам, тили ва баён услуби ҳам хилма-хил. Бу ҳам уларнинг турли халқларга мансуб эканлигидан ва ҳар хил даврларда майдонга келганлигидан далолат беради. “Ҳар бир эртақда ўзи яратилган макон ва замоннинг “ҳид”и келиб туради. Эртақлар поэтикасида ҳам худудлардаги ўзига хослик кўзга ташланади,” – деб ёзганида тўла ҳақли эди Ж.Асқарова ўз мақоласида [3,56].

Шаҳризода сўзлаган эртақлари мотивлари тизими сюжетнинг ранг-баранглигини таъминлаган. Унда ҳайвон ва паррандалар ҳақидаги эртақлар, маиший эртақлар, сеҳрли-фантастик эртақлар тизими ўрин олган. Ҳайвон ва паррандалар ҳақидаги эртақларга “Кийик билан товус”, “Сув қуши билан тошбақа”, “Бўри, одам ўғли ва тулки”, “Сичқон билан латча”, “Қарға билан мушук”, “Қарға билан тулки, бурга билан сичқон ва бургут билан чумчуқ”, “Кирпи билан ёввойи каптар”, “Чумчуқ билан

товус” [2,2] каби эртақларни мисол келтириш мумкин. Маиший эртақларга асарнинг “”Али ибн Баккор ва Шамсуннаҳор ҳикояти”, “Шоҳ Шаҳрамон ўғли Қамаруззамон ва малика Будур ҳикояти”, “Анжад билан Асад ҳикояти”, “Наима билан Неъмат”, “Мошиначи, букри, яҳудий шоҳид ва насронийлар”, “Икки вазир билан Анисулжалис”, “Савдогар Айюб билан унинг ўғли Ғаним ибн Айюб” ва бошқа шунга ўхшаш ҳикоятларни мисол келтириш мумкин. Сеҳрли эртақларга “Бой билан жин”, “Оҳули чол”, “Ҳачирли чол”, “Балиқчи билан дев”, “Сеҳрланган йигит”, “Ҳаммол билан қизлар”, “Подшо Бадербосим ва малика Жавҳара”, “Сайфулмулук қиссаси”, “Жодугар Далила билан кизи Зайнаб” ва шу каби кўплаб ҳикоятларини мисол келтириш мумкин.

Эртақлардаги “Сюжетнинг инициал қисмини эпиграф, кириш, бошланма, экспозиция ташкил этади. Эпиграф эртақчининг тингловчига айтган мурожаатини англатади. У асосан маҳоратли эртақчи ижодига мансуб бўлиб, шакл-шамойили турлича ифодаланган” [4,115]. Шу нуқтаи назардан асар қиссаларидаги ривоят усулига аҳамият берадиган бўлсак, эртақлар турли халқларга мансуб бўлса ҳам, XV-XVI асрларда Мисрда йиғилиб бир тўплам шаклига келтирилганлиги учун унда китобнинг бошланишидаёқ Исломиё муқаддимани кузатиш мумкин бўлган “ҳамд”дан бошланиши бунга ёрқин далилдир:

" بسم الله الرحمن الرحيم الحمد لله رب العالمين و الصلاة و السلام على سيد المرسلين سيدنا مولانا محمد و على آله و صحبه صلاة و سلاما دائمين متلازمين إلى يوم الدين (و بعد)..."

[5,2]

Ҳикоятнинг бошланиш қисмида қуйидагиларни ўқиймиз:

" فان سير الاولين صارت عبرة للاخرين لكي يرى الانسان العبر التي حصلت لغيره فيعتبر و يطالع حديث الامم ما لسألفه و ما جرى لهم فينجزر فسبحان من جعل حديث الاولين عبرة لقوم آخرين " فمن تلك العبر الحكايات التي تسمى ألف ليلة و ليلة و ما فيها من الغرائب و الأمثال.."

[5,2]

(Яъни ўтганларнинг бошдан кечирган кунлари, ҳаётлари, ҳар қандай ходиса, воқеалари келажак авлод учун улуғ тажриба ва буюк ибрат бўлди. Ўтмишнинг ана шундай ибратли меъросларидан бири “Минг бир кеча” ҳикоятларидир.)

Ва яна:

و الله أعلم انه كان فيما مضى من قديم الزمان..

[5,2]

(Аллоҳ билгувчироқдирки, қадим замонлардан бирида бор эди..) – деб ҳикоят бошланади.

Шаҳризоданинг ҳар кечқурун ҳикоят айтишни бошлаши қуйидаги тарзда бошланади: بلغنى ايها و ادرك شهرزاد الصباح فسكتت عن الكلام المباح فلما أصبح الصباح دخل الملك محل الحكم و احتبك الديوان الى آخرين نهارثم طلع الملك قصره فقالت لها اختها دنيا زاد تممي لنا حديثك قالت حبا و كراما... (Яъни Шаҳризод тонг отганини сезгач, ҳикоят айтишни тўхтатди, тонг отгач, подшо девонга чиқиб кечгача ўз вазифаси билан машғул бўлди. Сўнгра қасрига кўтарилди, Шаҳризоданинг синглиси Дунёзод опасидан ҳикоятини давом эттиришни сўради..)[5,6] Бошқа кечаларда эса:

[5,2]

ادركت شهرزاد الصباح فسكتت عن الكلام المباح.

(Яъни, тонг отганини сезган Шаҳризода кизиқарли ҳикоятини тўхтатди) тарзида яқунланади. Шу хилда ҳар сафар ҳикоят тонгда тугалланмай қолаверади.

Олим К.Имомов эртақнинг кириш қисмини қуйидагича изоҳлайди: “Кириш сюжетнинг алоҳида қисми бўлиб, унинг мукамал намунаси профессионал эртақчи репертуарида учрайди,” – дейди [4,115]. Ўзбек халқ эртақлари кириш қисмида анъанавий сўз ўйинини кузатишимиз мумкин: “Бор эканда, йўқ экан, бўри бақовул экан, тулки ясовул экан, қарга қақимчи экан, чумчуқ чақимчи экан..” Бирок “Минг бир кеча” эртақларида асар ровийлари турли давр ва макон кишилари бўлгани учундир, балки, эртақ ва ривоятлар турли услубда бошланади.

“Бошлама (зачин) анъанавий формула шаклини олган, асосан воқеа вақти ва маконини англатади. Вақт ўтган замонда юз беради. Воқеа юз берган жой номи, аниқ маконни ифодалайди. У персонажлар тизими, ҳар бирининг касб-корини белгилайди” [4,116]. Дарҳақиқат, Шаҳризода ўз эртақларини “Бир вақтлар Мисрда бир подшоҳ бўлиб, адолатли ва марҳаматли экан,” (“Вазир Нуриддин билан унинг биродари ҳикояти”), “Қадим замонларда Хитой шаҳарларининг бирида бир мошиначи бўлиб, ҳазил-мазахни ортиқ севар экан,” (“Мошиначи, букри, яҳудий шоҳид ва насронийлар”), “Ўтган замонда бир савдогар бўлиб, мол дунёси ниҳоят даражада кўп экан,”

“Савдогар Айюб билан унинг ўғли Ғаним ибн Айюб”) жумлалари билан бошлайди. “Бошламанинг шаклий тузилиши барқарор эмас” [4,117]. Дарҳақиқат, “Минг бир кеча эртақларининг асосий эртаги, асосан “қадим замонда”, “ўтган замонда”, “бир замонларда”, “кунлардан бир кун” содир бўлганлигидан дарак берса, асосий эртақ ичидаги кичик ҳикоятлар эса тўғридан-тўғри бошланиб кетади. Чунки у энди ички персонажлар тилидан ривоят қилинади. Бу ҳолатни бошламасиз келган эртақлар сирасига киритамиз. Бу ҳам “Минг бир кеча” асари ривоят услубининг ўзига хослигини таъминлайди.

“Минг бир кеча” эртақларидаги конфликт инсон ва унинг турмуш-тарзи, зукколик, тадбиркорлик каби ғоялар замирида юзага келади. Унинг ечимида эса, тўғрилиқ, поклик, донолик улуғланади. Бир сўз билан айтганда, салбий ва ижобий ҳолатлар китобхонга аниқ ва равшан акс эттирилади. Тугаллама сюжетнинг якуний қисми. Энди у китобхонга кўтаринки руҳ бағишлаши лозим. Шунга кўра, Шаҳризода ўз эртақларини аксар “Шоҳ вазирни йигитнинг мамлакатига шоҳ қилиб тайинлабди”, (Юнон шоҳ, вазир ва ҳаким Рўён ҳикояти), “...Нуриддин халифа ҳузурида бир умр фароғатда яшаб, ошини ошаб юраверибди”, (“Икки вазир билан Анисулжалис ҳикояти”), “Шу зайлда улар то лаззатларни бузувчи, мажлисларни тарқатувчи ўлим элчиси келгунча, шод-хуррамлик билан ширин умр кечириб ўтишган экан” (Жодугар Далила билан қизи Зайнаб” ҳикояти) каби тугаллама билан якунлайди.

“Минг бир кеча” эртақларида акс этаётган қаҳрамон шахслар, воқеа-ҳодисалар жараёни кўп хусусиятлари ибтидодан интихогача бўрттирилади, бадий бўёқ қуюқлашади. Бу албатта, эртақ ва кассаларга хос хусусиятдир.

“Минг бир кеча” ҳикоят ва кассаларида ошиқ йигит севгилиси висолига етишишда кўпинча дўстлари, тадбиркор вазирлар, ишбилармон кампирлар мададига таянади.

“Минг бир кеча” ўз эртақларида муҳаббатни улуғлайди. Ишқ-муҳаббат масаласи бу йигитлар – Шаҳзода, вазир ва савдогарзодалар учун ўз бахти ва кучини синаш, имтихон йўлидир. Улар ҳеч нарсадан қайтмайди. Бу нарса эртақлардаги халқ руҳининг ўлмаслиги, инсоннинг эзгуликка талпиниши ифодасидир.

Ҳикоятлар мажмуасига хос хусусият, уларда самовий кучлар, дев-ажина, илоҳий парилар иштирок этади. Ҳикоят шуниси билан ҳам қизиқарли. Улардаги фантазия кучли. Бошқа халқлар эртақларидан фарқли ўлароқ “Минг бир кеча”да дев ва парилар инсонга хизмат қилади. Уларни кўтариб учади, йигит ва қизни бир-бирига етказишда асосий сабабчи ҳам бўлади. Шундай ҳолатлар ҳам мавжудки, унда дев маликаларни севиб қолади. Ўғирлаб кетиб, инсон оёғи етмайдиган ерда, ёки ер қаърида сақлайди. Табиийки, у яна озод қилинади. Сеҳрли фантастик эртақларда жинлар тоифасидаги илоҳий паривашлар инсонни улуғлайди, ҳурмат қилади. Парилар инсонга хизмат қилади, муҳаббатини изҳор этади. Буни “Шоҳ Шаҳрамон ўғли Қамаруззамон ва малика Будур” ҳикоятида кўришимиз мумкин [2,121].

Бундай воқеалар ҳикоятларда кўп учрайди. Чунончи, “Басралик Ҳасан қиссаси” [6,278] да яққол кўриш мумкин. Ёш, соддадил, заргар Ҳасан эронлик моҳир сеҳргарнинг ҳийласига учиб, кўп қийинчиликларга дуч келади. Тоғда адашиб юриб, бир касрга киради. Худди шу ерда у бир тўда қушлар учиб келиб, одамзодга айланганда улар орасидаги энг гўзал ва сарвқомат қизни севиб қолади. Қуш-қизлар учиб кетишади. Ҳасан ўз маҳбубасини излаш, қўлга киритиш мақсадида хавф-хатар олдида чекинмайди, қарорини ўзгартирмайди. Ҳасан ўз мақсади – Маноруссаного етишиш жараёнида ҳеч нарсадан қайтмайди. У ўлим макони – Вок жазирасига бориб, севгилисини қайтариб келади. Кичик ҳажмдаги бир-икки ҳикоятни ҳисобга олмаганда, асарда фақат “Али ибн Баккор ва Шамсуннаҳор қиссаси” [2,61] қайғули тугайди. Унда бир-бирига етиша олмаган ошиқ-маъшукларнинг фожеаси ҳикоят қилинади.

“Минг бир кеча” асарида Шаҳризоданинг подшо Шаҳриёрга сўзлаб берган эртақлари мазмунан бой. Бу эртақлар орасида ишқий мазмун маъно касб этиш билан бирга, тарихий, ахлоқий, фикҳий (қозиларнинг ажойиб ҳукмлари) масалаларга оид ҳикоятлар ҳам борки, уларда ҳаёт муаммолари ҳаққоний равишда теран ва равшан тасвирланган. Унинг тилидан сўзланган ривоятлар, афсона ва кассаларда аслида тарихий воқелик, халқ ҳаёлотли, орзу-ўйлари, эзгу ишлари билан уйғунлашиб кетиб, бир бадий умумлашма ҳосил қилган. Шарқона одоб-ахлоқ, донишмандлик, диний қарашлар урф-одатга айланган анъана ва кадриятлар уларда ўзининг яққол ифодасини топган. Бир сўз билан айтганда, ибратли ўтмиш ёдномалари қомусий бир тарзда кенг қўлам касб этган.

Шуни ҳам таъкидлаш лозимки, ҳар қандай давр, макон ва замонда ҳам аёллар ўз ақл-заковатларини, истеъдодларини ҳамиша ва ҳар қандай ҳолатда кўрсата олганлар. Ижтимоий ҳаётнинг

турли соҳаларида аёллар ўз ўринларига эга бўлганлар. Жамият тараққиётига, моддий, маънавий бойликлар яратишга ўз хиссаларини қўшганлар. “Минг бир кеча” ҳикоятларида тарихий ҳақиқат билан халқнинг орзу-истаклари мужассамлашиб, аёлларнинг ақл-заковати ва тадбиркорлиги ҳаққоний ва романтик услублар уйғунлигида намоён бўлган.

“Минг бир кеча” ҳикоятларида бир қатор салбий аёллар образи ҳам яратилганки, бундай образлар ижтимоий-тарихий, адабий-тарбиявий жиҳатидан ўзига хос моҳиятга эгадир. Бу салбий образлар феодал-клерикал муҳитнинг чиркинликларини фош этишда катта аҳамиятга молик. Қадим давр мурасисиз жамият муҳити аёлларда ҳам қабиҳ хислатларнинг пайдо бўлишига, ўз қинғир ишларини амалга оширишда ҳар қандай қабиҳликларга қўл уришга тайёр бўлишига олиб келар эди. Бунинг исботи сифатида асардаги “Мошиначи, букри, яхудий шохид ва насоролар ҳикояти” ни, “Анжад билан Асад”, “Шаҳзода ва етти вазир”, “Тегирмончи билан унинг хотини”, “Масрур ва унинг маъшукаси Зайнулмавосиф”, “Балиқчи, халиф ва маймунлар қиссаси” ни келтиришимиз мумкин.

Хулоса ўрнида айтиш мумкинки, эртақлар тилининг бундай камолоти унинг асрлар давомида сайқал топганлигини, халқ даҳоси билан етилган бадиий ифода нафосати ва малоҳатини ўзида жамлаганлигини кўрсатади. Бунинг ҳаммаси “Минг бир кеча”га жаҳоншумул шуҳрат келтирди. Унинг жозиба кучини қарор топтирди.

“Минг бир кеча” асари ҳикоятларида юнонлар, ҳиндлар, эронийлар, араблар, яхудийлар ва бошқа халқларнинг қарашлари, урф-одатлари ўз аксини топган. Гарчи, материалларнинг катта қисми арабларнинг ўзларига тегишли бўлса ҳам умуман, “Минг бир кеча” асари ҳар бир миллатнинг маълум даражада иштироки туфайли туғилган муштарак ижоддир.

АДАБИЁТЛАР:

1. *Минг бир кеча. Араб эртақлари. 8 жилдлик. / С.Муталлибов таржимаси. – Т.: Ўздавнашр. 1959. Ж.1. – Б. 23.*
2. *Минг бир кеча. Араб эртақлари. 8 жилдлик. / С.Муталибов таржимаси. – Т.: Ўздавнашр, 1960. Ж. 3. – Б. 62.*
3. *Асқарова Ж. Эртақчилик анъаналари. // Жаҳон адабиёти. 2018 йил, 8-сон. – Б. 56.*
4. *Имомов К. Ўзбек халқ насри поэтикаси. – Т.: Фан, 2008. – Б. 115.*
5. *الف ليلة و ليلة. مصر. القاهرة. 1976م ج. 1. ص. 2.*
6. *Минг бир кеча. Араб эртақлари. / А.Расулов тарж. – Т.: Ўздавнашр, 1963. 8 жилдлик. Ж.7. – Б. 278.*
7. *Крачковский И.Ю. Избранные сочинения. – Москва: Из-во. Акад. наук СССР. 1956. – С. 443 – 449.*
8. *Протасова М. Е. Литературная сказка Дж. Макдоналда: проблематика и поэтика: Дис. ... канд. филол. наук. 10.01.03. – Тамбов, 2010. – 187 с.*
9. *Heath, Peter, 2019. "Dhāt al-Dawāhī and the Female 'Ayyār in the Arabian Nights." In Tradition and Reception in Arabic Literature: Essays dedicated to Andras Hamori. ed. by Margaret Larkin and Jocelyn Sharlet. Wiesbaden: Harrassowitz, pp. 207–220.*
10. *Шидфар Б.Я. От сказки к роману. // Народы Азии и Африки. – М.: 1975. – №1. – С. 130– 138.*